Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 25 апрель, № 80 (8703) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Тошкент халқаро саноат кўргазмаси:

ЙИРИК ИНВЕСТОРЛАР УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Аввал хабар берилганидек, пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуасида тўртинчи бор “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси ўтказилди. Бу Марказий Осиёда савдо-саноат кооперациясини ривожлантиришда муҳим воқелик бўлди, десак, муболаға эмас. Кўргазмада нафақат минтақа мамлакатлари, балки Россия Федерацияси, Беларусь, Хитой ва Туркия каби жами 27 давлатдан делегациялар ҳамда компаниялар иштирок этди.

Тадбир ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва бизнес тузилмалари вакиллари ўзаро тажриба алмашишида муҳим майдон бўлди. Энергетика ва автомобилсозлик, тоғ-кон, кимё ва нефть-газ саноати, тўқимачилик ва қурилиш саноати, сунъий интеллектни жорий этиш ва бошқа кўплаб соҳаларда келишув ва шартномалар имзоланди.

Анжуманда асосий эътибор Ўзбекистон, Россия, Беларусь ва бошқа давлатлар ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Экспозициянинг асосий қисмини иштирокчи мамлакатлар вилоятлари ва маъмурий ҳудудлари жамоавий стендлари эгаллади. ➡3

Муносабат

Ўзбекистон ва Тожикистон:

ҲАМКОРЛИГИМИЗ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари жадал ривожланиб стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бу икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очилгани, шериклик алоқалари эса сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилгани ва амалий мазмун билан бойиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб туташади. Марказий Осиё ҳудудида давлатчилик муносабатлари шакллана бошлабдики, бу икки халқ ўртасида маданий, иқтисодий ва дипломатик алоқалар бўлиб келган. Халқларимизни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат ҳамда яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туради. Бу яқинлик Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар учун мустаҳкам замин, асосий тамойил бўлиб хизмат қилиб келаётир.

Умумий урф-одат, маросим, эътиқод, турмуш тарзи ва ҳатто миллий либослар услуби ва юз йиллар давомида шаклланган халқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари халқларимизни табиий равишда яқинлаштирганлигини кўришимиз мумкин. Ва бугун расмий Тошкент ҳамда Душанбенинг сиёсий иродаси бу тарихий тажриба ва бой умумийликдан халқларимиз ҳамда давлатларимиз муносабатларини кучайтириш мақсадида фойдаланишга йўналтирилган. ➡2

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗ ЗАВОЛ ТОПМАЙДИ

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлиб, икки давлат манфаатларига хизмат қилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг узоқни кўзлаб олиб бораётган ташқи сиёсати самарасида кўп қиррали ҳамкорлик ва ўзаро дўстона алоқалар янада юқори поғонага кўтарилиб, стратегик шериклик даражасига етди. Ўзаро дўстона алоқалар аниқ амалий қадамлар билан бойитилган ҳолда ривожланмоқда.

Агар рақамларга таянилса, 2017 йилдан кейин икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 237,9 млн. доллардан қарийб уч баробарга ортиб, 756,8 млн. долларга етди. 2024 йилнинг январь-февраль ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ўсиб, қарийб 120 млн. долларни ташкил қилди.

Давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларда мунозарали масалалар қолмади. Яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамланди, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлида жадал ҳаракат бошланди. Бу ўзгаришларни Ўзбекистон ва Тожикистондаги миллионлаб одамлар бугун ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда. ➡2

Учрашув

СЕНАТ РАИСИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кеча АҚШнинг Юта штати Сенати раиси Стюарт Адамс бошчилигидаги делегация билан музокара ўтказди.

Унда Ўзбекистон ҳамда АҚШ ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари, хусусан, савдо-иқтисодий, меҳнат муносабатлари, гендер тенглик соҳаларида алоқаларни ривожлантириш ва парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида инвестициявий, товар ва хизматлар бозори, тоғ-кон саноати, энергетика, ахборот технологиялари соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашилди. Бунда Юта штати бизнес доиралари билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудларимиз ўртасида шерикликни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш, меҳнат муносабатлари ва миграцияси, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги ижтимоий лойиҳаларни фаоллаштириш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

Ўз навбатида, Стюарт Адамс Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларни кузатиб бораётгани ва уларни юксак баҳолашини таъкидлаб ўтди. Айни чоғда у қатор йўналишлар, хусусан, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларда ўзаро ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйишда Юта штати Сенати бор имкониятларни жалб қилишга тайёрлигини, етакчи компаниялар раҳбарлари бунга қизиқиш билдираётганини қайд этди.

Учрашувда парламентлараро мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси:

ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАККА ИЛМ БИЛАН КИРИБ БОРАДИ

Бугун юртимизда беқиёс янгиланишлар юз бермоқда. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасидаги юксалишлар униб-ўсиб келаётган навқирон фарзандлар кўз ўнгида рўй бераётгани уларни ҳаёт билан ҳамқадам бўлишга, интилиш, изланиш ва ташаббус кўрсатишга ундамоқда. Бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлашни эса даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Зеро, соҳани мукаммал эгаллаган ва уни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган кадрларга эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 5 февраль куни бўлиб ўтган ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ҳам бу ҳақда айтиб ўтилди. Унда олий таълим тизимида учраётган муаммоларни бартараф қилиш, инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди. Албатта, уларни амалга оширишда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган олий таълимга ҳамда IT соҳасини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг аҳамияти жуда катта. ➡4

«Физика — 2024»:

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, ЎзРФА Ядро физикаси институти ва Самарқанд давлат университети (СамДУ) Муҳандислик физикаси институти ҳамкорлигида “Физика — 2024” III халқаро форуми бўлиб ўтмоқда.

Форум

Форумнинг асосий мақсади материя ва коинотнинг тузилиши, конденсирланган ҳолат физикаси, амалий физика каби йўналишларда дунё микёсида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишишдан иборатдир. ➡3

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги жасорати ва фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси беқиёс. Дунё аҳли буни яхши билади ҳамда эътироф этади. Бу йўлда қанчадан-қанча аждодларимиз қурбон бўлган, бир қисми эса қаҳрамон сифатида уйига қайтган. Яна қанча бобо ва момоларимиз фронтдагидан кам бўлмаган шароитда меҳнат қилган.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДАГИ ЖАСОРАТИ БЕҚИЁС

Шу маънода, бугун ушбу ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, бугунги ёруғ, мусаффо осмонимиз софлигини, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлаш учун букилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатган, Ватан учун жон фидо қилган жасур боболаримиз матонатини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Уруш даври мусибатларини бошидан кечирган юртдошларимизнинг хотираларидан маълум бўлишича, одамлар ўша вақтларда совет режимини ҳимоя қилиш зарурияти ҳақида кам ўйлаган. Аксинча, халқимизнинг аксарият қисми мустабид тузумни қораларди. Нега деганда, халқимиз Туркистон мухторияти қонга ботирилиши, истиқлолчилик ҳаракатининг зўравонлик билан бостирилиши ва диний эътиқоди учун таъқиб қилинганини ҳали эсдан чиқармаган эди. Қолаверса, жамоалаштиришнинг “сталинча” зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида юз берган жиноятлар, мустабид тузумнинг оммавий қатағонларидан қолган яралар ҳали битмаганди. Шунга қарамасдан халқимизнинг фашизмга бўлган кучли нафрати мустабид тузум етказган ғам-аламни орқа ўринга суриб қўйди ва у душманга қарши отланди.

Айтиш жоизки, янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат, меҳр ва мурувват каби инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган халқимизнинг буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси билан боғлиқ муқаддас хотирани сақлаб қолиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. ➡2-3

МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ УНУТИЛМАЙДИ

Хотира — боқий, қадр — муқаддас. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, омон қайтган боболаримизга меҳр кўрсатиш том маънода анъанага айланди. Боиси бугунги тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт учун азиз жонини фидо қилган аждодларимизни эслаб, уларнинг эзгу ишларини муносиб давом эттириш тинчликни буюк неъмат, деб биладиган олийжаноб халқимизга хос фазилатдир.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлди, у халқимиз бошига ҳам оғир азоб-уқубат ва талафотлар келтирди. Инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди. Халқимиз туну кун меҳнат қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Уруш кетаётган жойлардан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган 1,5 миллиондан кўп кексалар, аёллар ва болаларни қабул қилиб, борини баҳам кўрди. Уларга бошпана берди, меҳр-мурувват кўрсатди.

Юртимизда буюк ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, уларнинг матонатини ёш авлодга етказиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳар йили мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносиб нишонланади. Бу улуғ айём туфайли аждодлар руҳини хотирлаш, ёш авлоднинг баркамол воягa етишида ўзининг улкан ҳаётий тажрибаси орқали ибрат бўлаётган кексаларимиз ҳурматини жойига қўйишдек эзгу фазилатлар ҳар бир юртдошимизнинг қалб амрига айланган. Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан республикамизнинг барча гўшасида қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга эҳтиром кўрсатилиб, ҳолидан хабар олинмоқда.

Президентимизнинг шу йил 16 апрелдаги “9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу йилги байрам тадбирлари “Жасорат — миллат ғурури ва ифтихори” шиори остида ўтказилиши замирида ҳам катта маъно бор.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар уйига борилиб, ўша ернинг ўзида кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади. Бу эса бугунги ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. ➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 25 апрель

Сенат қўмитасида

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Тадбирда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, экспертлар, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сенаторлар юртимизда иқтисодиёт тармоқларига интеллектуал фаолият натижаларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда уларнинг қўшимча қиймат билан реализация қилинишини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкни ишончли тарзда ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилаётганига урғу беришди.

Айни чоғда жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал фаолияти натижасида яратилган мулк дахлсизлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурияти юзага келганлиги ҳам қайд этилди.

Қолаверса, интеллектуал мулкнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Қонун билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқ эгасининг талабига кўра ҳуқуқбузар томонидан товон тўлаш тартиб-таомили жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Айтилганидек, қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар сонининг камайишига, интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтиришга ва рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқлар ҳимоясининг таъсирчан механизмлари тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун юзасидан вазирлик ва идоралар вакиллари, қўмита экспертларининг фикрлари эшитилиб, Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

Тиббий реабилитация:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Барча ёшдаги кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда тиббий реабилитациянинг аҳамияти, муаммо ва ечимлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда тиббиёт муассасаларини аҳолига янада яқинлаштириш, фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш қулайлигини ошириш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тармоғи кенгайтириляпти. Беморларни, ногиронлиги бўлган инсонларни, кексаларни тиббий реабилитация қилишга оид нормалар қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани эътиборга молик.

Жорий йилда беморлар реабилитациясини ташкил этиш ҳамда уларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш механизмларини соддалаштиришга оид Президентнинг иккита қарори қабул қилинди. Уларга асосан инфаркт, инсульт, шикастланиш ва жарроҳлик амалиётларидан сўнг ҳамда суяк-мушак тизими касалликлари мавжуд бўлган беморларни тиббий реабилитация қилиш, “Жисмоний фаоллик ва реабилитация” магистрлик йўналиши жорий этилди. Бу каби мутахассисларни Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар асосида тайёрлаш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қатор протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмлари республика ҳудудига олиб кирилишида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Давлат томонидан таъминланадиган протез мосламалари ва реабилитация воситаларининг турлари 18 тадан 30 тага кенгайтирилди.

Қайд этилганидек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг ҳудудий филиаллари фаолият юритмоқда. Уларда республика даражасида 21 турдаги, вилоят миқёсида 18 турдаги ҳамда туман даражасида 12 турдаги янги даволаш ва диагностика усуллари жорий қилинган, амалиётда қўлланилган илғор муолажа усуллари сони ўтган йилдаги 36 тадан 57 тага етказилган.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида 12 та, жами 975 ўринли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази фаолият юритмоқда.

Иштирокчилар даволаш-профилактика муассасаларида ногиронлиги бўлган шахсларни мақсадли реабилитация қилишга ихтисослаштирилган бўлимлар йўқлигини қайд этиб, бундай шахсларни реабилитация тадбирлари билан қамраб олиш кўламини ошириш ва самарадорлигини баҳолаш, қайси ҳолатда амбулатор, қайси ҳолатда стационар шароитда реабилитация тадбирларини ўтказишни белгилашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлашди.

Депутатлар тиббий реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш, қонунчилик ҳужжатларида бу борада белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш, жумладан, ишлаб чиқилиши назарда тутилган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда тадбир давомида кўтарилган масалаларга эътибор қаратиш ва уларнинг белгиланган вақтда қабул қилинишини таъминлаш чораларини кўриш, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида стационар тиббий реабилитация бўлимларини ташкил этиш ишларини жадаллаштиришни тавсия қилдилар.

Билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида 2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари билан таъминлашнинг янги тизимини босқичма-босқич жорий қилиш белгиланган.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН

1 **Аввало, давлат раҳбарининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Масалан, 2020 йилгача уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва улардан 1 миллион 500 мингга яқини урушда қатнашган, деб ҳисобланар эди. Аммо жаҳон архивлари ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилинганда эса Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин кишилар урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб фашизмга қарши жанг қилган. Демак, 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган.**

Бундан ташқари, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган.

Урушдан қорахат келганларга аза очилган бўлса, бедарак кетган аскарлар яқинларининг мусибати ундан ҳам оғирроқ кечган. Улар дараги чиқмаган аскар ўғли, турмуш ўртоғи ва отасини бир умр кутган, йиллаб излашган.

Бедарак кетганлар орасида 101 аскарнинг тақдири, айниқса, бошқача кечган. Улар 1941 йилда урушнинг дастлабки ҳафталарида Смоленск остонасида асирга олинган ва нацистлар томонидан оккупация қилинган Нидерландияга “пропаганда” мақсадларида жўнатилган.

Дастлабки уч кунда ўзбекларни лагерда овқатсиз, очиқ осмон остида, симтикан билан ўралган ҳудудда сақлашган. Мақсад — бир бурда нон учун бир-бирининг гўштини еган одамлар ҳолати тасвирга олиниб, ундан тарғибот воситасида фойдаланиш эди. Лекин 101 ватандошимиз нацистларнинг бу режасини чиппакка чиқаради. Улар немислар кутганидек нон учун бир-бирини ўлдириш даражасига бормади, уч кун туз тотмаган бўлишса-да, бир-бирини қўллаб-қувватлади.

Хуллас, матонатли бу аскарларнинг 24 нафари 1941 йилнинг қаҳратон қишидан чиқолмай очлик ва касалликдан ҳалок бўлади, қолган 77 нафари 1942 йил 9 апрелда отиб ташланади.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакиллари сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг нафар, деб қайд этилар эди. Янги маълумотларга асосан Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди.

Шу ўринда, Совет иттифоқи қаҳрамони бўлган бир ўзбек ўғлонининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонати тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Гап шундаки, ўшанда Беларуснинг Могилёв туманига қарашли Дашковка қишлоғи ҳудудидан Днепр дарёсини кечиб ўтиш бу ерда жойлашган 385-ўқчи дивизия учун ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиладиган энг муҳим операция сифатида алоҳида аҳамият касб этар эди. Ўзбек фарзанди Шоди Шоимов махсус гуруҳ билан биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатади.

Дарёнинг нариги қирғоғидаги душманга сув сатҳи аниқ кўриниб турар, кечувга тушганларни қириб ташлаши аниқ эди. Шундай бўлсада, Шоди Шоимов ва унинг гуруҳи душман томонидан ёғдирилган ўқ ёмғирлари ичида нариги қирғоққа сузиб ўтади.

Ўзбек ўғлони фашист билан юзма-юз бўлди, яқин масофада туриб жанг қилди ва ўзини босқинчилар хандақига ташлади. Душман билан кечган қўл жангида паҳлавон ўзбек фарзанди 13 фашистни ўлдиради. 1944 йил 27 июнь куни Днепрнинг ўнг қирғоғида ўрнашган газандалар издиҳоми тор-мор этилади. Дивизия аскарларига Днепрни кечиб ўтиш учун енгиллик туғилади. Бироқ Ш. Шоимов душман билан кечган аёвсиз қўл жангида оғир яраланади ва эртаси куни 28 июнда жароҳати туфайли ҳалок бўлади. У бор йўғи 18 ёшда эди...

Эътибор беринг, у 18 ёшида Совет иттифоқи қаҳрамони бўлди. Ўзидан бир донагина сурат ҳам қолдирмаган, лекин жасоратни абадиятга муҳрлаган ўзбек ўғлони Шоди Шоимовнинг бюстини тиклашда синглиси Тиловатнинг расмидан фойдаланилади. Ўша сурат ҳозир Беларуснинг Дашковкадаги музейида сақланмоқда.

Шунингдек, 24 ёшида Совет иттифоқи қаҳрамони бўлган Қўчқор Турдиев, генерал Собир Раҳимов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиволдиев, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг жасоратлари ҳам алоҳида эътирофга лойиқдир.

Ўзбекистон ва Тожикистон:
ҲАМКОРЛИГИМИЗ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

1 Тошкент ва Душанбе шаҳарларида иқтисодиётимиз ютуқларига доир турли кўргазмалар ҳамда халқларимиз бирдамлигининг ҳақиқий ифодасига айланган маданият кунлари ўтказилиши икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги эзгу қадамлар сирасига киради.

Тожикистон Ўзбекистоннинг минтақада олиб бораётган хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда яхши қўшничилик сиёсатини, яъни позициясини қўллаб-қувватлаб келаётгани бизни мамнун этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи барча йўналишдаги ўзаро алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан тарихий аҳамият касб этди, десак, айни ҳақиқат.

Айтиш жоизки, олий даражадаги музокараларда етакчилар Ўзбекистон ҳамда Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди ҳамда халқаро ва минтақавий даражадаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашди.

Учрашув асносида мамлакат етакчилари томонидан сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар Марказий Осиёнинг манфаатларини илгари суриш ва унинг барқарор тараққиётини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракат ҳамда имкониятни бирлаштириш мақсадида минтақавий тузилмалар ва халқаро ташкилотлар доирасида конструктив ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиришга интилишини тасдиқладилар.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши эса мазкур ташрифнинг тарихий аҳамиятини янада ошириб юборди. Зеро, бу ҳужжат Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда дастуриламал вазифасини ўтаб бериши, шубҳасиз.

Шу ўринда, ташриф арафасида Ўзбекистон — Тожикистон бизнес форуми муваффақиятли ташкил этилиб, унинг якунида янги кооперация лойиҳа ва савдо шартномаларининг катта портфели шакллантирилганини алоҳида айтиш зарур. Машинасозлик, электротехника, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларидаги ўзаро манфаатли лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ташриф доирасида сувдан фойдаланиш бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, Тожикистон катта гидроэнергетика салоҳиятига эга давлат ҳисобланади. Ана шу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам катта аҳамиятга эга. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, ташриф доирасида Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Зарафшон дарёси ҳавзасида гидроэлектр станцияларини қуриш тўғрисида шартнома имзоланди.

Шу келишув асосида Тожикистон Республикаси томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида гидроэлектр станцияларини қуриш ишлари икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда қуввати 100 МВт бўлган йилига 580 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган “Ёвон” ГЭСсини қуриш ишлари бажарилади. Мазкур лойиҳага жорий йилнинг 2-3 майидан киришиш кўзда тутилмоқда.

Иккинчи босқичда эса йилига ўртача 600 миллион кВт/соат электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга “Фандарё” ГЭСсини қуриш режа қилиб олинган.

Эътиборлиси, мазкур иккита лойиҳа мамлакатларимизнинг энергетика йўналишидаги энг катта дастлабки лойиҳалари сифатида баҳоланмоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг бу галги ташрифи жараёнларни янада тезлаштиради. Бу эса биз, халқ вакилларидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗ ЗАВОЛ ТОПМАЙДИ

1 Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18-19 апрель кунлари бўлиб ўтган Тожикистон Республикасига давлат ташрифи нафақат икки мамлакат тараққиёти ва халқларимиз манфаатига, балки бутун минтақамиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Айниқса, ташриф доирасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши икки давлат муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини билдиради. Ушбу шартнома стратегик шерикликдан кейин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг энг юқори даражаси бўлиб, бу кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчиликни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ортга қайтмас тус олганидан далолатдир.

Қайд этиш жоизки, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали. Кейинги йилларда парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Президентимизнинг Тожикистонга ташрифи доирасида ушбу мамлакат Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан ўтказган учрашувида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу билан бирга, парламентлараро алмашинувни янада фаоллаштириш, кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар дастурларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун соҳавий қўмиталар ва ҳудудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бу, ўз навбатида, икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради ва амалий мазмун билан бойитади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча йўналишини қамраб олувчи 28 та ҳужжат имзоланди. Кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва катта имкониятлар чегаралари белгилаб олинди. Бунда мамлакатлар парламентлари даражасида алоқалар самарадорлигини ошириш муҳимлиги айтилди.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар биродар мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама янада ривожлантириш, кўп қиррали шерикликни чуқурлаштириш йўлида янги натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

УРУШИ ДАВРИДАГИ ЖАСОРАТИ БЕҚИЁС

Иккинчи жаҳон урушида бевосита жанговар ҳаракатларда аёллар ҳам қатнашган. Давлат мудофаа қўмитаси урушнинг илк кунларидан бошлаб аёлларни ҳам урушга юбориш борасида бир қатор қарорлар қабул қилган. Гарчи, аввалига фронтга бориш ихтиёрий бўлган бўлса-да, 1942 йил баҳоридан бошлаб ҳаракатдаги қўшин сафига аёлларни оммавий равишда сафарбар этиш бўйича бир тўхтамга келингани маълум.

Ўзбекистондан 4 минг 555 нафар аёл урушда қатнашган, уларнинг орасида алоқачи, учувчи, мерган, зенитчи, тиббий ходим ва разведкачилар бор эди.

Урушнинг бошланғич даврининг энг мураккаб вазифаларидан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солиш бўлган. Бу масъулиятли вазифани СССРнинг қарийб 40 фоиз аҳолиси истиқомат қиладиган, кўмирнинг 63 фоизи қазиб олинадиган, пўлатнинг 50 фоизи ишлаб чиқариладиган, доннинг 38 фоизи етиштириладиган, айниқса, кўпгина мудофаа корхоналари жойлашган ҳудудни фашистлар босиб олган бир пайтда ҳал қилиш керак эди.

Шу боис Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, доридармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бирига айланди. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли халқимиз фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарида ҳарбий маҳсулотлар тайёрланди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилди. Уларда аҳолимиз туну кун машаққатли меҳнат қилиб, қаҳрамонлик намунаси кўрсатган, десак, айни ҳақиқат.

1941 йил 26 июндан бошлаб мамлакатда ишчи ва хизматчиларга ишдан ташқари вақтда мажбурий меҳнат қилиш, катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик, кунига 11 соатлик иш тартиби жорий этилиб, таътиллар бекор қилинди. Идора хизматчилари, уй бекалари ва ўқувчилар ҳам ишлаб чиқаришга жалб этилди. Агар 1940 йилда саноат ишчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34 фоизни ташкил қилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич 63,5 фоизга етди.

Натижада Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2 318000 дона авиабомба, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратуралар, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, 330 мингта парашют, ҳарбий эҳтиёж учун 100 минг километрдан ортиқ турли симлар, миналарни аниқлаб берувчи 4,5 минг дона қурилма, 2 861000 минг жуфт армия этиги ва 59 мингдан ортиқ от ҳамда кўпгина бошқа ҳарбий анжомлар етказиб берди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шунинг ўзиёқ ўзбек халқининг ғалабага қўшган ҳиссаси қанчалик салмоқли бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Қолаверса, Ўзбекистонда тўпланган маблағ ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди. 1941 — 1945 йилларда мамлакатимиз собиқ иттифоқ миқёсидаги улкан госпиталга айланиб, бу ерда минглаб жангчилар даволаниб, сафга қайтган.

Оғир дамда халқимизнинг инсонпарварлиги, бағрикенглиги, айниқса, яққол кўринди. Аҳолимиз уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, суронли ҳудудлардан кўчириб келтирилган қарийб 1,5 миллион кишини бағрига олди. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди. Кўпгина ўзбек оилалари иккита ва ундан ортиқ етим болаларни *(Ш. Шомаҳмудов оиласи — 14 нафар, Ҳ. Самадов оиласи — 12 нафар, М. Жўраева ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан)* ўз тарбияларига олдилар. Охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Шу билан бирга, Россия, Украина ва Беларуснинг душман босиб олган ҳудудларидан турли миллатга мансуб 200 га яқин ёзувчи ва шоирлар Тошкентга кўчиб келиб, шу ерда ижод қилди.

Албатта, бу шунчаки статистик маълумот эмас. Бу рақамлар мудҳиш уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Айни чоғда бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ундайди.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида "Ғалаба боғи" ташкил қилинди. Бундан кўзланган мақсад — ёшларимизни ота-боболар руҳини ҳурматлаш, миллатни севиш, юртнинг ҳар қарич тупроғини қадрлашга ўргатиш, эзгулик ва саховат сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборат. Бу эса биринчи галда аждодлар хотирасига чуқур эҳтиромдан бошланади.

"Ғалаба боғи" халқимиз қаҳрамонлигини улуғлайдиган, унинг қадр-қимматини юксалтирадиган бетимсол мажмуадир.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган аждодлар номларини сақлаш, инсон хотирасини қадрлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳар бирига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар бериб келиняпти. Буни ҳеч иккиланмасдан янги Ўзбекистонда халқ жасоратига кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунаси, дейиш мумкин. Қолаверса, бу бизни ўтмишдан тўғри хулоса чиқариб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, аждодларимиздан ибрат олиб яшашга рағбатлантиради.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.



МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ УНУТИЛМАЙДИ

1 Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари (шартнома асосида) бириктирилган ҳолда доимий равишда патронаж хизмати йўлга қўйилади.

Уруш кўрган ва жангларда жон олиб, жон берган қаҳрамон жангчиларга кўрсатиладиган бундай эътибор ва ғамхўрлик "Инсон қадри учун" эзгу ғоясига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, бугунги тинчлик, хотиржамлик ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан қўлга киритилмаган. Иккинчи жаҳон урушида 2 миллион нафарга яқин ўзбекистонлик йигитлар жангга отланишган бўлса, афсуски, уларнинг 800 мингга яқинига она юртига қайтиш насиб қилмаган...

Ҳаёт давом этар экан, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг халқимиз олдидаги бурчини муқаддас билиб, ғоят оғир шароитларда кўрсатган матонати ҳамиша эътирофу эъзозга муносибдир.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тошкент халқаро саноат кўргазмаси:

ЙИРИК ИНВЕСТОРЛАР УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

1 — 2022 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларимиз мамлакатингиз корхоналари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди Россия Федерацияси Пермь ўлкаси губернатори Дмитрий Махонин. — Улар, асосан, газ насос агрегатлари, нефть ва газ саноати эҳтиёжлари учун қудуқ насослари, шахсий ҳимоя воситалари ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Тўқимачилик саноатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтирдик. Кўргазма доирасида йирик диаметрли қувурлар ва газ насос агрегатларини диагностика қилиш учун роботлар ишлаб чиқарувчи компания Ўзбекистонда ваколатхонасини очди. Улар газ таъминоти тизимларининг заиф томонларини аниқлашга ва қувурларни ўтказиш жараёнини оптималлаштиришга ёрдам беради. Пермь ўлкаси делегацияси Ўзбекистоннинг қатор йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида Бухоро вилоятида ҳам бўлди, гуманитар ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари устида фикрлашилди.

Новгород вилоятининг реабилитация маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Актив" компанияси мамлакатимиз ҳудудларида жойлашган "Имкон" реабилитация марказига эга давлат ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим муассасаларига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзолади. Улар таянч-ҳаракат тизимининг оғир касалликлари бўлган болаларнинг ҳаётини сезиларли даражада осонлаштиради, дунёни ўрганишга ва мактабгача таълим олишга ёрдам беради.

— Кўргазмага ногиронлиги бўлган болалар учун аравачалар ва махсус стуллар, шунингдек, реабилитация қилишнинг инновацион техник воситалари — "Реформа" костюмини олиб келдик, — дейди "Актив" корхонаси ходими Татьяна Гусак. — У касаллик туфайли мушакларини бошқара олмайдиган боланинг ҳолатини шакллантиришга имкон беради. Ускуналар мия яримшари ва бошқа нуқсонлари бўлган болалардаги иккиламчи касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Россияда Ўзбекистонда бўлгани каби, ногиронлиги бор болаларни индивидуал реабилитация воситалари билан таъминлаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Биргаликда биз бундай болаларга ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида фикрлашиб олдик.

Уч кун давом этган халқаро саноат кўргазмаси доирасида "яшил" транспорт, саноат корхоналарини комплекс бошқариш соҳасида рақамли ечим, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва минтақавий шериклик доирасида ҳамкорлик, ёқилғи-энергетика мажмуасида "тоза" энергия ва инновациялар, стандартларни уйғунлаштириш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, саноат логистикаси ва технопаркларининг халқаро инвестиция экотизимини яратиш мавзуларида муҳокамалар бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

«Физика — 2024»:

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

1 Шунингдек, халқаро илмий алоқаларни янада кенгайтириш мақсад қилинган. Форумда АҚШ, Озарбайжон, Руминия, Россия, Қозоғистон каби давлатлардан 154 нафар олим маърузалари билан қатнашмоқда.

"Физика — 2024" III халқаро форумини Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов кириш сўзи билан очди.

Форумнинг ялпи мажлисида ЎзРФА президенти, академик Беҳзод Йўлдошев, АҚШнинг Техас университети Нанотехнологиялар институти директори ўринбосари, ИТМО университети гибрид нанофотоника ҳамда оптоэлектроника лабораторияси мудири, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Анвар Зоҳидов, Россиянинг Бирлашган ядровий тадқиқотлар институти директори, академик Григорий Трубников, Россия ФА академиги Владислав Хомич, профессор Дилбар Ғуломова маъруза қилди.

Анвар ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби:

— Бугун Самарқанд давлат университетида тарихий воқелик — дунёнинг етакчи физик олимлари йиғилиб, долзарб мавзуларни муҳокама қилмоқда.

СамДУда физика соҳасига оид ўнга яқин илмий мактаблар, замонавий лабораториялар фаолият кўрсатади. Шу боис форум Самарқанд давлат университетида ўтказиляпти. Алоҳида таъкидлаш жоизки, СамДУ ректори Рустам Холмуродов ташаббуси билан Марказий Осиёда ягона бўлган Самарқанд Квант маркази ташкил этилгани эътиборга молик. Мазкур марказ замонавий технология ва физиканинг энг юқори натижаларини қўлга киритиш имкониятини яратади.

Владислав ХОМИЧ,
Россия Фанлар академияси академиги:

— "Физика — 2024" III халқаро форуми МДҲ давлатлари учун муҳим ўрин тутади. Форумда соҳага оид энг долзарб маърузалар тингланмоқда. Қайсидир маънода сўнгги йилларда физикага оид халқаро тадбирларнинг нуфузи пасайиб қолган эди.

Самарқанд давлат университетида бугунги тадбирнинг ўтказилиши эса ниҳоятда мақсадга мувофиқ. Хорижлик олимлар мазкур форумга катта қизиқиш билдираётир ва юқори савияда ўтказилаётганлигини алоҳида эътироф этмоқда. Анжумандаги маърузалар фаннинг ривожланиши учун хизмат қилишига ишонаман.

Илҳом СОДИҚОВ,
ЎзРФА Ядро физикаси институти директори, академик:

— Халқаро форумда ёш тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар ҳам иштирок этмоқда. Бу уларнинг катта ютуғи, деб биламан. Тадбирда қатнашчилар томонидан энг долзарб мавзуларда маърузалар қилинмоқда. Янги ихтиролар хусусида баҳс-мунозаралар бўлмоқда.

Анжумандаги ёш тингловчилар ўзлари учун муносиб йўналиш ёки илмий раҳбар танлаш, етакчи олимлардан қатор тавсиялар олиш, ҳамкорликда нуфузли журналларда мақолалар эълон қилиш, халқаро грантларда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда. Тадқиқотчилар бундан унумли фойдаланишига ишонаман.

Халқаро форум давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ногиронлиги бўлган шахслар давлат эътиборида

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Инклюзив ногиронлик ва гендер-сезгир мулоқот" мавзуида семинар ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, улар билан самарали коммуникация ўрнатиш усуллари, жамиятдаги ва ОАВдаги мавжуд гендер стереотиплар ҳамда гендер-сезгир мулоқот услублари бўйича кўплаб фойдали маълумотларга эга бўлди.

Инсон ресурсларини бошқаришнинг самарали усуллари

Пойтахтимизда "Самарали бошқарув — Ўзбекистонда давлат бошқаруви салоҳиятини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси ҳамда "Стратегик режалаштириш ва ходимларни давлат хизматига жалб қилиш" мавзуида семинар машғулотлари бошланди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда Латвия Марказий молия ва шартномалар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда хорижий экспертлар давлат хизматида қисқа ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш, инсон ресурсларини бошқариш каби мавзуларда назарий ва амалий тажрибалари ҳақида фикр алмашмоқда.

Жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида "Марям мебель" мебель ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, Россиянинг "Лига" компанияси билан ҳамкорликда жаҳон андозалари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда қайд этилганидек, ҳамкорлик келишувига кўра, "Лига" компанияси томонидан қарийб 1 миллион долларлик энг сўнгги русумдаги рақамлаштирилган ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилган. Эътиборлиси, эндиликда ушбу корхонада йил якунига қадар 150 та янги иш ўрни яратилади.

Маълумот учун айтиш мумкинки, айни пайтда туманда 455 та замонавий саноат корхоналари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг деярли 90 фоизи мазкур тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Дунёни маърифат қутқаради

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида "Ислом дини асл манбаларини талқин қилишдаги ёндашувлар: муаммо ва ечим" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманда глобаллашув жараёни турли соҳаларда тараққиёт суръатининг ўсишида муҳим омил бўлаётгани, унинг илм-фан равнақи, ахборот алмашинувидаги ўрни улкан экани эътироф этилди. Медиа оламида, халқаро тармоқда дин-эътиқодни тўғри англаш, соғлом дунёқараш, соғлом тафаккурни шакллантиришдаги муаммолар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 25 апрель

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси:

ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАККА ИЛМ БИЛАН КИРИБ БОРАДИ

1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан хорижий университетлар билан ҳамкорликни кенгайтириш доирасида ТАТУ Урганч филиали ва дунёнинг “ТОП — 300” рейтингига кирувчи Малайзия ва Ҳиндистон университетлари билан меморандумлар имзоланди. Ушбу келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташларига имкониятлар яратилиб, талабалар ўртасида академик мобиллик ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилди.

Шунингдек, филиалда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича соҳага доир фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўргатиш, таълимнинг янгича методларини ишлаб чиқиш, моддий-техника ва ўқув-услубий таъминотни яхшилаш каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати, яъни ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш бўйича филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар устида иш олиб борилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, стратегияда белгиланганидек, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш орқали энг иқтидорли ёшлар танлаб олинди. Улар халқаро дастурлар асосида IT бозорига тайёрланди. Натижада филиалимиз “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида энг фаол университет номинациясида ҳам ғолибликни қўлга киритди. Бу ютуқлар юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Айниқса, бугунги кунда рақамли инфратузилмани ривожлантиришда давлат органлари ва ижтимоий аҳамиятга эга субъектларни, қолаверса, ҳар бир соҳада рақамлаштиришни жорий қилиш лозим. Албатта, биз ушбу соҳалар учун малакали, юқори билимга эга кадрлар тайёрлашда зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият олиб борамиз. Ёшларни ҳар жиҳатдан илмли ва салоҳиятли қилиб тарбиялаш янги Ўзбекистонни барпо этишга қўшилган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Шукуруллоҳ ИСМОИЛОВ,
ТАТУ Урганч филиали директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШДА МУҲИМ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар таълим тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тараққиёти стратегиясини белгилашда таълимга “Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция” сифатида урғу бермоқда.

Маълумки, олий таълимда сифатни таъминлашнинг кўплаб элементлари мавжуд. Улар орасида ахборот-коммуникация муҳити, моддий-техника ва услубий таъминот, ўқув дастурларининг замонавий талабларга мослиги, илмий тадқиқотга йўналтирилганлик, таълим жараёни ва сифатли педагогик фаолият, самарали халқаро ҳамкорлик, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар алоҳида ўрин тутади.

Мушоҳада

Юртимиздаги барча олий ўқув юртлари қаторида Наманган давлат университети ҳам таълим сифатини янада ошириш, замон талабига мос, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25-26 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида бу йўналишдаги мақсадларни изчиллик билан амалга ошириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, Наманган давлат университети узоқ йиллик ўз тарихига эга. Албатта, тўпланган тажриба ҳам шунга яраша. Университетнинг 2021 йилда молиявий ва академик мустақилликка эришиши жамоа учун янги имконият эшикларини очди.

Бугунги кунда университетда 13 та факультет, 41 та кафедра мавжуд. 71 та бакалавриат йўналиши ҳамда 27 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Жорий ўқув йилида 25 мингдан зиёд талабаларга 680 нафар профессор-ўқитувчи таҳсил бериб келаётир. Профессор-ўқитувчиларнинг 300 дан кўпи илмий даража ва унвонга эга. Бошқача айтганда, педагогик жамоанинг илмий салоҳияти бугунги кунда 42 фоизни ташкил этади.

Университет нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фикримизга олий таълим муассасамизнинг 2023 йилда Буюк Британиянинг “THE” (“Times Higher Education”) халқаро рейтингида репортёр мақомида қайд этилгани, ушбу йилда эса “Greenmetrics” халқаро рейтингида дунё бўйича 1183 та олийгоҳ орасидан 790-ўринни, республика олий таълим муассасалари ўртасида 18-ўринни эгаллагани далилдир.

Замон талабидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнларини рақамлаштиришни, яъни “рақамли университет” концепциясини амалга оширяпмиз. Бу ерда ягона рақамли экосистема — “Open Science Platform” (Очиқ фан платформаси) ишга туширилган ва “OneID” ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “HEMIS” платформасига интеграция қилинган. Мазкур рақамли экосистема раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилган “KPI” (“Key Performance Indicator”), марказлашган масофавий ташхислаш ва бошқариш тизими, лавозимларга танлов жараёнлари, онлайн ўқитиш ва тест тизимлари, электрон кутубхона, бўш иш ўринлари маълумотлар базаси, моддий-техника базаси, илмий журналлар каби ўндан ортиқ контентларни ўзида мужассамлаштирган.

Эътиборлиси, факультет деканатлари ва кафедраларда таълим-тарбия жараёнларини рақамлаштириш мақсадида 50 га яқин контентларни ўз ичига олган “Рақамли деканат”, “Рақамли кафедра” тизимлари йўлга қўйилди. Дастурий маҳсулотлар учун шахсга доир маълумотлар базаларини давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш бўйича гувоҳномалар олинган.

Шунингдек, олийгоҳда IT-парк ташкил этилган бўлиб, унда талабалар ва университет ходимларини “Full Stack” дастурчи йўналишида бепул ўқитиш ташкил этилган. Ўтган йили IT-парк-даги ходимлар ва талабалар томонидан “Google” компанияси гранти асосида “Google Work Space” платформасидан 100 терабайт жой ажратилишига ҳамда “GoogleClassroom” ва “Google Office” каби булутли платформалардан 100 минг АҚШ доллари қийматига тенг бепул фойдаланиш имкониятига эришилди.

Дарвоқе, моддий-техника база таълим сифатини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Таълим ва фан интеграциясининг таълим сифатидаги уйғунлиги ўқув-лаборатория фонди ва қувватларида кўзга яққол ташланади. Сўнгги икки йилда университетимизда Жаҳон банки гранти лойиҳаси доирасида 165,3 минг АҚШ доллари қийматидаги “Аквакультура” ўқув-ишлаб чиқариш цехи, АҚШнинг “USAID” жамғармаси гранти асосида 16,7 минг АҚШ доллари қийматидаги цукат ўқув-ишлаб чиқариш цехи, Ислом тараққиёт банки грантлари асосида механика, физика, биология, кимё, кимё-технология, экология йўналишларида 4,8 млрд. сўмлик қийматдаги ўқув-илмий лабораториялар ташкил этилди.

Бундан ташқари, ўтган йили Янгиқўрғон туманидаги 11 гектарлик ўқув-амалиёт полигони ҳамда университет маблағлари ҳисобидан очилган 250 млн. сўмлик мебель цехи ўқув-ишлаб чиқариш цехларига айлантирилди ҳамда уларда ўқув-лаборатория машғулотларини олиб бориш бўйича шарт-шароитлар яратилди.

Асосийси, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида Наманган давлат университетида 5 та ўзига хос функционал вазифани бажарувчи объектни ўз ичига олган “Яшил инновацион ҳудуд” ташкил этилган бўлиб, мазкур ҳудуд “Экобоғ”, ўқув ва илмий лабораториялар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун ўқув биноси, Маънавият ва маданият маркази ҳамда “Офис регистратор”ни ўз ичига олади. Айни пайтда очиқ амалий машғулотларни ўтказиш мақсадида кенглиги эҳтиёждан ортиқ бўлган асфальт йўлакларни ихчамлаштириш, фойдаланишга яроқсиз тошлоқ ерларни қайта ўзлаштириш асосида университетда уч гектар ҳудудда “Университет экобоғи” яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамкорлик доирасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга замин яратмоқда, десак, муболаға эмас. Жорий йил давомида Хитой Фанлар академиясининг Кунгминг ботаника ҳамда Шинжон экология ва география институтлари билан ҳамкорликда умумий майдони 720 квадрат метр бўлган 5 та (альгология, биотехнология ва микробиология, биокимё ва молекуляр биология, ботаника, зоология) ўқув-илмий лаборатория, бунга қўшимча равишда иккита 100 ўринли маърузалар зали, 8 та амалий ва лаборатория хонаси ҳамда 10 та ўқув-ёрдамчи хона барпо этилади.

Шунингдек, 2 минг ўринли замонавий “Инновацион факультет” биноси ҳам қурилади. Унда кимё, физика, биология, экология йўналишлари учун замонавий лабораториялар ташкил этилади. Бу лабораторияларда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари билан биргаликда таянч докторантлар учун тадқиқотларни амалга ошириш имконияти яратилади. Қисқа айтганда, таълим босқичларининг узвийлиги таъминланиб, докторлик диссертациялари устида иш олиб бориш йўлга қўйилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим сифатини янада оширишда профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини кучайтириш, илмий тадқиқот фаолияти натижаларини таълим жараёнларига татбиқ қилиш ва халқаро ҳамкорлар билан ўзаро тажриба алмашиниш муҳим аҳамият касб этмоқда. Университетда йўлга қўйилган “Илмга асосланган таълим” лойиҳаси доирасида катта натижалар қўлга киритилмоқда. Хусусан, айни пайтгача Наманган давлат университети юзга яқин хорижий давлатлардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйди. Жорий йилнинг апрель-май ойларида эса дунёнинг энг илғор олий ўқув юртлари — Туркиянинг Ўрта Шарқ техника университети, Анқара Айдин университети, Хитойнинг Фудан ва Гуанжоу университетлари ҳамда Кунминг ботаника ҳамда Шинжон экология ва география институтлари билан стратегик ҳамкорлик шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Ўтган йили университетнинг 85 нафар талабаси ҳамда 72 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий таълим ва илмий муассасаларда стажировка ҳамда амалиёт ўтади. Ўз навбатида, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Исроил, Хитой ва кўплаб ривожланган мамлакатлардан мутахассислар ўқув жараёнларига жалб қилинди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда университетда қирқдан ортиқ илмий ва стартап лойиҳалар бажарилди. Айни пайтда 12 та инновацион ишланма амалиётга тўлиқ татбиқ этилмоқда ва бу орқали 2,1 млрд. сўм даромад олинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир соҳа мутахассисининг хорижий тилни билиши — бугунги кун талаби. Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган 2030 йилгача олий таълимни ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, университетда тизимлилик асосида жорий ўқув йилида нофилологик йўналишларда 17 та мутахассисликда жами 41 та фан инглиз тилида ўқитилмоқда. Ушбу жараённи янада кенгайтириш мақсадида университетда хорижий тилларни ўрганиш бўйича Тил маркази ташкил этилди. Марказда талабалар ва тингловчиларга инглиз тилидан ташқари яна 6 та хорижий тил ўргатилмоқда.

Қолаверса, таълим дастурларини тубдан такомиллаштириш, замонавий, халқаро миқёсда синовдан ўтган ва етакчи олий таълим муассасаларида кенг қўлланилиб келинаётган таълим дастурларини миллий амалиётга татбиқ этиш мақсадида 2024/2025 ўқув йилига тайёргарлик доирасида қабул режалаштирилаётган 46 та таълим йўналиши ва 24 та магистратура мутахассислигининг ўқув режалари ҳамда ўқитилиши кутилаётган 1200 та фаннинг ўқув дастурлари иш берувчи корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирда 57 та корхона вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатяпти.

Таълим жараёнини ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича университет ахборот-ресурс маркази етарлича имкониятни ўзида мужассам этган. Марказ китоб фонди қарийб 17 минг номдаги 279 мингта ўқув ва илмий адабиётдан ташкил топган.

Айтиш мумкинки, университет жамоаси ўз номи ва нуфузига мос равишда сифатли таълим бериш, етук ва малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлида бор куч ва салоҳиятини ишга солмоқда. Ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирок, кучайиб бораётган халқаро ҳамкорлик, қўллаб-қувватланаётган иқтидорли талабалар ва ёш изланувчилар эришаётган ютуқлар, замон талабидан келиб чиқиб юритилаётган фаолият — олдимизга қўйган улуғвор мақсадларимизга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дилшод ХОЛМАТОВ,
Наманган давлат университети проректори, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ КУБОГИНИНГ ЯРИМ ФИНАЛИДА

Футзал бўйича Таиландда давом этаётган Осиё кубогининг барча ярим финалчилари номи маълум бўлди.

Қувонарли жиҳати, қитъанинг энг кучли тўрт терма жамоаси орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Футзал

Чорак финалда испаниялик мутахассис Хосе Венансио Лопес бош мураббийлигида футзалчиларимиз Вьетнам вакилларига қарши баҳс олиб борди. Ўта муросасиз ва кескин курашлар остида кечган беллашувда ҳамюртларимиз мағлубиятга учраб турган жойидан ғалабани илиб кетди — Ўзбекистон — Вьетнам 2:1. Учрашувда голларни Элбек Тўлқинов ва Суннатилла Жўраев рақиб дарвозасига киритди. Вьетнамликларнинг ягона голи Нгуен Тин Фат номига ёзилди.

Қолган чорак финал жуфтликларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Тожикистон — Афғонистон 2:1, Таиланд — Ироқ 3:2, Эрон — Қирғиз Республикаси 6:1.

Мусобақа регламентига кўра, Осиё кубогининг барча ярим финалчилари жорий йил мамлакатимизда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритарди. Ўзбекистон мезбон сифатида мусобақада қатнашиши боис яна бир йўлланма чорак финалда мағлуб бўлган Афғонистон, Қирғиз Республикаси, Ироқ ва Вьетнам ўртасида ўйналади.

Осиё кубогининг финалига чиқиш учун Ўзбекистон терма жамоаси

Эронга қарши баҳс олиб боради. Ушбу беллашув 26 апрель куни Тошкент вақти билан соат 19:00 да бошланади. Яна бир яримфинал учрашуви Таиланд ва Тожикистон ўртасида бўлиб ўтади.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ОРОЛ ДЕНГИЗИ БЎЙИДА МОБИЛЬ АЛОҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ

Сўнгги йилларда Мўйноқ туманига, Орол денгизининг суви сақланиб қолган қисмига ташриф буюрувчи туристлар сони кўпаймоқда. Сайёҳларга транспорт, меҳмонхона ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида яқин йилларда ибратга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Қулайлик

Орол денгизига борганлар яхши билади: шу пайтгача денгиз ҳудудида мобиль алоқаси бўлмаган. Ахборот асрида бу ҳам ҳудудга ташриф буюрувчиларга бироз ноқулайлик туғдирарди. Энди вазият ўзгарди. Гап шундаки, Орол денгизи ҳудудидаги меҳмонхона яқинида “Ucell” компаниясининг янги станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасида қарийб ўн йилдирки, Мўйноқ туманида фаолият кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди “Vishe Krishi Tashkent” МЧЖ раҳбари Саидали Расулов. — Ўтган йили ҳудудга ташриф буюрувчи ички ва ташқи сайёҳларга қулай шароит яратиш мақсадида Орол денгизининг суви сақланиб қолган қисмида “Aral Plaza” бренди остида 96 ўринли туристик дам олиш масканини қурдик.

Тадбиркорнинг маълум қилишича, биринчи галда артезиан қудуқ қазилиб, 300 метр чуқурликдан ичимлик суви чиқарилди. Кейинги зарурат электр энергияси эди. Бу борада “яшил” энергияга мурожаат қилинди: қуёш панеллари ўрнатилиб, дам олиш масканига кечаси ҳам ёруғлик нури таралди.

— Бугунги кунгача кўп сонли сайёҳлар фақат дам олиш масканида бўларди, — дейди С. Расулов. — Уларнинг айримлари ўзлари хоҳламай айнан мобиль телефон ва интернет алоқаси йўқлиги сабабли денгиз бўйидан эртароқ кетишга мажбур бўлганини кўрганман. Энди вазият ўзгарди, компания томонидан 400 минг доллар йўналтирилиши туфайли денгиз бўйида учта станция ўрнатилди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарихий қарорлари асосида юқорида келтирилганидек, олдин бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, хаёлга келмаган ишлар, маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун шароитлар яратилмоқда.

Бизга маълумот берилишича, эндиликда Орол денгизи суви сақланиб қолган ҳудудининг 25 километр масофадаги оралиғида телефон ҳамда яқин ҳудудларда интернет алоқаси бўлади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 591 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.43 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6